

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

**Н.Бувақов**

Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили)..... 84

---

**АДАБИЁТШУНОСЛИК****Н.Йўлдошев**

Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари..... 88

**Г.Эрназарова**

Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида)..... 94

**С.Жумаева**

Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари..... 98

**Ҳ.Жўраев, С.Хўжаев**

Образ, бадий-фалсафий ният ва ғоявийлик..... 102

**А.Тўйчиев**

Нурали Қобул ижодига умумий назар ..... 106

---

**ТИЛШУНОСЛИК****Ш.Искандарова, Ш.Ганиева**

Тил илмининг етук дарғаси..... 110

**А.Мамажонов, А.Абдуллаев**

Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида ..... 114

**Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова**

“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи ..... 119

**Н.Умарова**

Навоий асарларида “сўз” концепти ..... 126

**И.Мадраҳимов**

Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси ..... 130

**Д.Мадазизова**

Сленг ва унга ёндош ҳодисалар..... 134

**А.Саминов**

Антитеза ва оксюморон усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида..... 138

---

**ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ****Н.Ўринова**

Ижтимоий-психологик тренинглار ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида ..... 142

**Ш.Бойханов**

Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги ..... 147

**З.Позилжонова**

Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши..... 151

---

**ИЛМИЙ АХБОРОТ****С.Муртазова**

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожини ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан..... 154

**Н.Комилов**

Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида) ..... 157

**М.Болтабоев**

Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи ..... 161

**С.Юлдашев**

VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши ..... 164

топа олган. Ўзбек маиший турмушининг даражаси ва қадр-қимматини оригинал ёритиб берган.

Эй, йўловчи, бўлақол қўноқ,  
Уйда борин кўрармиз баҳам.  
Тағин ўзинг биласан, бироқ,  
Қош қорайди, йироқдир йўл ҳам.  
Йўлчи қолар овулда, мезбон  
Келтиради топган-тутганни.  
Отамлашар сўнгра икковлон  
Ёдга олиб ўтган-кетганни.  
Ҳорғин йўлчи мудрар ичиб чой,  
Чўзилади мезбон ҳам аста.  
Тонгда йўлчи товуш қилар – Ҳой,  
Мен кетдим. – Қол! – Раҳмат.  
Шу басда!  
Ажралишар улар ҳаттоки  
Исмларини сўрашмаслар ҳам.  
Улар қайта учрашар балки,  
Балки қайта учрашмаслар ҳам... [1,177]

Бу шеърда ҳикоя қилинган мўъжаз воқеа йўловчи учун йўл хотиралари бўлиб ҳисобланади. У бир сайёҳ сифатида бу воқеани хотирасида сақлаб қолади. Мезбон учун эса маиший ҳаётидаги ўзгачароқ бир кун. Унинг уйида бундай меҳмонлар кўп бора ёки бир бора қўноқ бўлган бўлиши мумкин. Аммо ҳар нима бўлганда ҳам бу йўловчи воқеаси ҳам мезбон хотирасида қолади. Агар мезбоннинг портрети чизилса, овулдаги ўтовдаги гурунлар

тасвирланса, яна мезбон тилидан биронта ҳикоя сўзлаб берилса, у тайёр эпик асарга айланади. Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги эпизодлардан бирини такрорлайди. Айни пайтда воқеа, замон, макон, шахс хусусийлашади. Натижада ундаги медитатив руҳ, умумийлик, миллийлик йўқолади. Шоир воқеа, замон, макон, шахсни абстрактлаштириш йўли билан кичик бир типик воқеадан улкан мушоҳадавий хулоса, ўзбек халқига хос маиший турмуш тарзи, характер хусусиятини кўрсатган. Бундан ўзбек халқининг қўноқ (меҳмон)га муносабати. Яхшилик ва ёрдам қилишда бетакрор саховати юзага қалқиб чиққан. Меҳмон бу мезбондан ўзига ортиқча илтифотни кутмайди. Бўлиб ўтган воқеавни табиий деб билади. Мезбон ҳам бу иши остида бир қахрамонлик, ўзгачаликни кўрмайди. Ўтов ичида у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирар экан, мезбоннинг қимлигига қизиқмайди ҳам. Келганида қилмагани каби кетганида ҳам бирон таъмага йўл бермайди. Шоир бу воқеанинг мухтасар лирик тасвири орқали ўтмиш аждодларимиз яшаб ўтган ўзига хос турмуш тарзини, соф ўзбекона характерни лирик планда медитатив талқин этишга эришади. Шоирнинг қатор тарихий шахсларга қаратилган шеърларида ҳам лирик медитативлик руҳи уфуриб туради.

#### Адабиётлар:

1. Орипов А. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1996.
2. Поспелов Г.Н. Лирика. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1976.
3. Шекспир В. Сайланма. Уч жилдлик. // Иккинчи жилд. Инглиз тилидан Ж.Камол таржимаси. – Т.: Фан, 2008.
4. <http://www.litdik.ru/meditativnaya-lirika>

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)

УДК 398.21

## ЁРДАМЧИ ПЕРСОНАЖЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

### ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ И ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ ВСПОМОГАТЕЛЬНЫХ ПЕРСОНАЖЕЙ

#### IDEOLOGICAL AND ARTISTIC FEATURES OF AUXILIARY CHARACTERS

С.Жумаева<sup>1</sup><sup>1</sup> С.Жумаева

— филология фанлари номзоди. Қарши давлат университети адабиётшунослик кафедраси доценти.

#### Аннотация

Мақолада халқ эртакларида иштирок этувчи ёрдамчи персонажларнинг ўзига хос ғоявий-бадиий хусусиятлари, сюжет, мотив ва конфликтлар таркибида тутган ўрни ҳамда вазифаси ҳақида сўз юритилади.

#### Аннотация

В статье речь идет об идейно-художественных особенностях вспомогательных персонажей из народных сказок, об их месте и задаче в структуре сюжета, мотива и конфликтов.

#### Annotation

This article deals with the ideological and artistic features of folk fairy tales' auxiliary characters, about their role and tasks in the structure of plot, motives and conflicts.

**Таянч сўз ва иборалар:** фольклор, фольклоршунос, эртак, образ, персонаж, композиция, сюжет, мотив ва конфликт, генезис, нутқ, функция, вазият, ғоявий-бадиий хусусиятлар.

**Ключевые слова и выражения:** фольклор, фольклористика, сказка, образ, персонаж, композиция, сюжет, мотив и конфликт, генезис, речь, функция, ситуация, идейно-художественные особенности.

**Keywords and expressions:** folklore, folklore study, fairy tale, image, character, composition, plot, motif and conflict, genesis, speech, function, situation, moral – fictional features.

Ёрдамчи персонажларнинг эртаклар сюжетида тутган ўрни ҳамда вазифасига кўра алоҳида аҳамиятга эга. Бу турдаги персонажларнинг ўзига хос хусусиятлари, асосан, уларнинг функционал ҳаракатларида кўзга ташланади. В. Я.Пропп ўзининг «Эртаклар морфологияси» номли китобида сеҳрли эртакларда иштирок этувчи ёрдамчи персонажларнинг характерли хусусиятларини функционал ҳаракатлари доирасида асослайди. Олимнинг эътирофига, сеҳрли эртакларда ёрдамчи (кучлар) қаҳрамонлар «Мусибат (фалокат) ёки қашшоқликни бартараф этиш, оғир вазиятларда ёрдам бериш, таъқиб, уларни ҳимоя қилиш, мушкул масалаларни, вазифаларни ҳал қилишда кўмаклашиш» [1,72] каби функцияларни бажаради. Шунга кўра, В. Я.Проппнинг таҳлилий тадқиқини ёрдамчи персонажларнинг асосий хусусиятларини ёритишда энг тўғри йўл, деб баҳолаганимиз ҳолда, унга айрим аниқликлар киритиш орқали қуйидаги мулоҳазаларни баён қилишимиз ўринлидир:

1. Хоҳ сеҳрли эртаклар, хоҳ маиший ёки хоҳ ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар бўлсин, таркибида иштирок этувчи ёрдамчи персонажларнинг функционал хусусиятлари, асосан, етакчи ёки бош қаҳрамонларга ёрдам, кўмак бериш ҳаракатлари билан белгиланади.

2. Ёрдамчи персонажлар ички турга оид эртакларнинг ҳар бирида ҳамма вақт ижобий сифатларда талқин этилади. Бироқ мазмунига кўра, персонажлар функцияларининг амал қилиш тартиблари, усуллари ва даражалари ички тур эртакларнинг ўзига хос табиати, хусусияти ва қонуниятига асосланиб воқе бўлади. Масалан, В.Я.Пропп таҳлилидаги ёрдамчи персонажлар, асосан, кўп пландаги саргузаштли воқеалар ва мураккаб ҳодисалар ичида ҳаракат қилади. Чунки сеҳрли эртаклар композициясининг мураккаблиги, сюжет таркибининг кенг кўламдорлиги, образлар талқинидаги кўп қирралик, заминида хаёлий уйдирмаларга асосланган ҳодисаларнинг саргузашт типиди

воқе бўлиши таркибидаги ёрдамчи ва, умуман, барча персонажларнинг ҳаракат доирасини ўз имконияти, талаби даражасига мослаштириб амал қилишни тақозо этади.

Хусусан, ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг ёрдамчи персонажлари эса қисқа сюжетли воқеалар ичида ҳаракат қилади. Бу тур эртақларнинг композицион тузилиши оддий, сюжет таркибидаги конфликт ва унинг ечимини ташкил этувчи эпизодлар ҳажми ихчам, персонажлар тизими ва талқинида кўп қиррали хусусиятлар кўзга ташланмайди. Мана шу хусусиятларга кўра ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг ёрдамчи персонажлари табиатида сеҳрли ёки маиший эртақлар персонажларига хос функционал кўламдорлик ва мураккаблик кўринмайди.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг ёрдамчи персонажлари таркиби тулки, от, ит, хўроз, сичқон кабилардан иборат бўлиб, функционал хусусиятларига кўра етакчи персонажларга ёрдамчи сифатида фаолият кўрсатади. Талқиний жиҳатларига кўра эса ижобий сифатларда тавсифланади. Тулки – ёрдамчи персонажларнинг энг кўзга кўринган вакили сифатида эртақларнинг аксарият қисмида қатнашади. У нафақат ўзбек ёки туркий халқлар эртақларида, балки рус ва бошқа қатор Европа халқлари оғзаки ижодида ҳам кўп учровчи оммалашган, машҳур образлардан саналади. Бу образ ва унга муносабат масаласи деярли барча халқлар фольклоршунослари эътиборини ўзига тортиб келаётган мавзулардан бири ҳисобланади. Бу образнинг ёрдамчи персонаж сифатидаги хусусиятлари ҳақида В.П.Аникин, Э.В. Померанцева, М.И.Афзалов, Б.Г.Тлехас, К.И. Имомов, Х. Эгамов, Р.К.Чолокошвили, А.Боймурадов каби олимлар ўз илмий қарашларини баён қилганлар.[2,84].

Тадқиқотларда бир-бирини тўлдирувчи ва айна пайтда бир-бирини инкор этувчи фикрлар мавжуд. Ўзбек фольклоршуноси М. Афзалов шундай ёзади: «Тулки бошқа халқларнинг эртақларидаги каби бизда ҳам айёр, олғир, ёлғончи киши образидир. Шунинг учун ҳам халқ орасида айёр одамга нисбатан тулки лақаби берилади. [3,149]. Ғ. Жалолов «Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси» номли асарида «Ўзбек эртақларида тулки образи фақат салбий тип сифатида эмас, балки

ижобий характер бўлиб келишини ...» таъкидлайди. [4,32]. Олим ўз фикрини давом эттириб, «Ўзбек эртақларида тулки образи худди шу хусусиятлари билан рус ва Европа халқ эртақларидаги машҳур тулки образидан фарқ қилади. Бу ҳол, бизнингча, қадимий тотемистик тушунчалар ва мифология билан боғлиқ бўлса керак», [1,32], деган концепцияни илгари суради.

Рус фольклоршуноси В.П.Аникин ўзининг «Рус халқ эртақлари» номли китобида тулки персонажини, асосан, салбий хусусиятларда талқин этади. «Тулки, – деб ёзади у, – мурасасиз, олғир, ёлғончи, шафқатсиз, мунофиқ, тилёғламачи, кек сақловчи, фирибгар, қасоскор, айёр, (тадбиркор) устамон, манфаатпараст, бераҳм. Деярли барча эртақларда у ўзининг ана шу хусусиятлари билан намоён бўлади» [5,72].Олим ўзининг назарий қарашларини «Мушук, хўроз ва тулки», «Чоҳ ичидаги ҳайвонлар», «Тулки ва қуён», «Тулки ва зағизгон», «Мушук ва тулки», «Тулки қандай қилиб учини ўрганди?», «Кўй, тулки ва бўри», «Айиқ ва тулки» каби рус халқ эртақлари таҳлили асосида далиллайди.[5,72-73].

Э.В.Померанцева ҳам «Рус халқ эртақлари» номли монографиясида В.П.Аникиннинг таҳлилий хулосасига мувофиқ келувчи фикрларни баён қилади. Олима бу образнинг ўзига хос характерли хусусиятларини ёрита туриб, «Тулки – эски ошначилик унутилади», «Чоҳ ичидаги ҳайвонлар», «Бўғирсоқ», «Қиш ҳайвонлари» каби эртақларда ёрдамчи персонаж сифатида иштирок этишини таъкидлайди: «...Эртақларда у фирибгар, айёр, ёлғончи каби салбий қиёфаларда тасвирланади. У бўри, хўроз ва айиқни лақиллатиб алдайди, зағизгон болаларини айёрлик билан қўлга киритади, чоҳ ичида ҳайвонларни бирин-кетин ҳалок қилади. Бироқ унинг айёрлиги ҳамма вақт ҳам иш беравермайди: у инсонга тўқнаш келганда доимо мағлубиятга учрайди», дейди. [6,78] Кўринадики, Э.В.Померанцева ва В.П.Аникин тадқиқотлари мазмунида ўзаро ҳамоҳанг ва муштарак фикрлар мавжуд. Бинобарин, иккала тадқиқотчи ҳам тулкини салбий персонаж сифатида эътироф этадилар. Шу билан бирга, Э.В.Померанцева тадқиқотида кўзга ташланган жиҳат – тулки персонажга берилган сўнги таъриф (яъни унинг инсондан мағлуб бўлиш мотиви – С.Ж.)

ўзидан аввал айтилган фикрларни ижодий бойитиб, ривожлантириб келмоқда. «Чоҳ ичидаги ҳайвонлар» («Звери в яме») эртагида «Чўчқа, бўри, айиқ, қуён, хўроз, тулки ва бошқа ҳайвонлар чоҳга тушиб қоладилар; Оч қолиб навбат билан бир-бирларини ейдилар; Охирида тулки қолади; Ёлғиз ўзи чоҳдан омон чиқиб кетади.[7,54].

«Эски ошначилик унутилади» («Старый хлеб – соль забывается») эртагида эса тулки персонажининг сюжет таркибида тутган ўрни, функцияси ва мазмуни тамомила ўзгача моҳият касб этади: «Одам бўрини овчидан қутқаради (айиқ, илон); хавф-хатар чекингач, бўри одамни емоқчи бўлади; одам ўткинчи ҳайвондан ёрдам сўрайди; тулки бўрини қоп ичига тушишга мажбур қилади; одам уни ўлдиради; шу билан у тулкини ҳам ўлдиради».[7,79].

Қизиғи шундаки, юқоридаги эртақнинг ўзбекча варианты («Бўри билан мерган», «Илоннинг иши заҳар солмоқ» эртақлари)да воқеалар тафсилоти мутлақо ўзгача йўсинда хотимланади: тулки сюжет ечимида ҳал қилувчи вазифани бажаради: у одамни бўри (илон)дан қутулишига ёрдам беради. [8,20-23, 42-44]. Ҳар икки халқ эртақларининг қиёсий таҳлилидан англашиладики, рус фольклоршуносларининг ёрдамчи персонаж – тулки образи хусусидаги фикрларини ўзбек эртақларида қатнашувчи тулки персонажига нисбатан тадбиқ этиб бўлмайди. Мазкур хулоса, Ғ.Жалолов концепциясини тасдиқлайди. Ўзбек халқ эртақларида тулкининг гоҳ салбий, гоҳ ижобий сифатларда талқин этилиши, олим таъкидлаб ўтганидек, «қадимий тотемистик тушунчалар ва мифология билан боғлиқ»лигидадир. Зеро, унинг характер хусусиятига хос хилма-хиллик қадимийликка дахлдор бўлиб, тарихий илдизи ибтидоий дуал тушунчаларга бориб тақалади. Бу борада К.Имомовнинг илмий қарашлари ғоятда ўринли ва аҳамиятлидир. Унинг фикрича, тулки қиёфасида салбий хусусиятларнинг «...шаклланишида демонологик тушунчалар, дуал мифлар, хусусан, ёвузлик раҳнамоси Ахриманнинг кучли таъсири сезилиб туради».[9,18].Бу каби дуал тасаввурларнинг айрим қолдиқлари эртақларда сақланиб қолган. «Тулкибой» эртагида тулки айёр, олғир, фирибгар ва «...муғомбиргина эмас, кишиларни «еб кетаман» деб кўрқитувчи

зўравон сифатида ҳам намоён бўлади».[4,32].Тулки образи талқинидаги ижобий хусусиятлар бевосита тотемик эътиқодлар таъсирида шаклланган. Мифологик эътиқодлар устун бўлган замонларда «... тулки – культ, у ёвуз руҳлар кушандаси сифатида муқаддаслаштирилган» [9,18]. Таҳлиллар қадимда турк қавмлари орасида тулки култига сиғиниш ҳоллари мавжуд бўлганлигини, унинг тотемлик моҳиятини илоҳийлаштирувчи ва тарғиб этувчи асотирлар «ижод этилган»лигини кўрсатади [10,19]. Асотирларда тулки магик қудратга эга мавжудот сифатида тасвирланади [10,23]. Қадимги Шарқ халқлари, хусусан, туркий халқлар маданияти, ижтимоий-тарихий ва маънавий қарашлари тизимида тулкига нисбатан тотемик ва муқаддас культ сифатида эътиқод қўйиш ҳоллари мавжуд бўлиб, унинг генетик ва тарихий тақдирида мифологик эътиқодлар релекти асосий ўринни эгаллайди. «Бўри билан мерган», «Илоннинг иши заҳар солмоқ» каби эртақларда тотемийликка эътиқоднинг илкин излари кўзга ташланади. «Бўри билан мерган» эртагида тулки чолнинг бўридан қутулишига ёрдам беради: Бўри чолга – Сени ейман, деб турганида, икковининг олдига тулки келиб қолибди, Чол бечора йиғлаб:

– Мерган бўрини қувиб келаётган эди, бўри мендан ўзини яшириб қўйишни сўради. Мен уни қопга тиқиб похол ёпиб, бекитиб қўйдим. Мерган келиб «Чол, чол! Бўрини кўрдингми?» – деб сўради. Мен бўридан кўрқаман, ўтгани йўқ, дедим. Мерган ишониб кетди. Похолни олиб бўрини қопдан чиқариб қўйсам, «сени ейман» деб мени мушкул ҳолда қолдирди, – деган экан, Тулки:

– Эй, бўри ўртоқ, чол сени шундай ўлимдан қутқарса-ю, сен шундай қари чолни ейсанми? – деб дашном берибди. «Юр бўлмасам», деб бўри тулки билан биргалиқда чолнинг олдидан «Хайр, ота» – деб жўнаб кетибди»[8,21]. Эртақнинг бошқа вариантыда ҳодисалар тафсилоти мутлақо ўзгача кўринишда кечади. «Бўри чолни «ейман» деб таҳдид солиб турганида, тулки келиб қолибди. Тулки гап нимада эканлигини англаб:

– Мен сени шу кичкина қопга сиққаниннга ишонмайман, сиғмайсан, – дебди. Бўри, «ҳа, мен сиғдим» деб мақтанибди ва кўрсатиш учун қопнинг ичига